ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА ҲАЛОЛЛИК – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Давлат харидлари тизими комбинат фаолиятининг энг масъулиятли ва стратегик йўналишларидан биридир. Ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлиги, бўлинмаларнинг барқарор ишлаши, инвестиция, модернизация ва реконструкция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши кўп жиҳатдан харид жараёнларининг шаффоф ва қонуний ташкил этилишига боғлиқ.

Давлат харидларида коррупция ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилиши нафақат молиявий йўқотишларга, балки ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига, сифатсиз маҳсулот ёки хизматлар харид қилинишига олиб келади.

Бундай ҳолатлар нафақат иқтисодий, балки маънавий зарар ҳам келтиради. Шунинг учун давлат харидларида ҳалолликни таъминлаш ҳар бир масъул ходимнинг шахсий бурчидир. Бу масалага фақат ҳуқуқий ёки расмий талаб сифатида эмас, балки виждоний ва касбий масъулият нуқтаи назаридан ёндашишимиз шарт.

Бизнинг департаментда давлат харидлари жараёнлари қонунчилик талабларига қатъий риоя этган ҳолда, очиқ рақобат ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга оширилади. Ҳар бир харид бўйича техник топшириқлар аниқ ва холис шакллантирилади, иштирокчилар учун тенг имконият яратилади, қарор қабул қилишда эса шахсий эмас, ишлаб чиқариш манфаатлари устувор қўйилади. Электрон савдо майдончаларидан фойдаланиш, ҳужжатлаштириш тартибининг кучайтирилиши ва ички назорат механизмлари айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Комбинат мулки ва давлат маблағлари бу жамоанинг умумий бойлиги. Уларни асраш, самарали ва мақсадли сарфлаш ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг бурчидир. Ташмачилик, сунъий нарх ошириш, таниш-билишчилик ёки бошқа ҳар қандай ноқонуний ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабат бизнинг қатъий позициямизни ташкил этади. Корхона манфаатига зид ҳар қандай ҳолат ўз вақтида аниқланиши ва тегишли чоралар кўрилиши шарт.

Биз барча ходимларни: қонун талабларига риоя қилишга, коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида ўз вақтида хабар беришга, давлат харидларида адолатли ва холис бўлишга чақирамиз. Шубҳали ҳолатларга бефарқ бўлмаслик – бу нафақат хизмат вазифаси, балки юксак маънавий масъулият ҳамдир.

Биз ишлаб чиқаришни таъминлаш тизимида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш орқали комбинатимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қиламиз. Фақат ҳалол ва очиқ механизмлар орқали комбинатда олиб борилаётган ислоҳотларни самарали амалга ошириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш орқали корхона нуфузини янада юксалтириш мумкин. Коррупцияга ва манфаатлар тўқнашувига қарши кураш бу бир марталик тадбир эмас, балки кундалик иш услубимизга айланиши лозим бўлган қатъий тамойилдир.

Ж. ОЛИМОВ, "Ўзметкомбинат" АЖнинг Ишлаб чиқаришни таъминлаш департаменти директори